

СЎХЛИК БИРИНЧИ ОЛИМ (Аъзамжон Гадоев – 75 ёшда)



Фарғона давлат университети биология кафедрасининг доценти Аъзамжон Гадоев 1942 йилнинг 17 майида Сўх туманининг Қалъа қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. У 1959 йилда Сўх туманининг Ровон қишлоғидаги ўрта мактабни “аъло” баҳолар

билан битириб, шу йили Фарғона давлат педагогика институтининг биология-кимё бўлимига ўқишга кирди. Институтни 1964 йилда битириб, Сўх туманидаги ўрта мактабга биология ва кимё ўқитувчиси этиб тайинланди. А.Гадоев 1964 йилнинг 1 октябридан 1965 йилнинг 15 августигача ҳарбий хизматини ўтаб, 1970 йилгача мазкур мактабнинг биология-кимё фани ўқитувчиси сифатида самарали хизмат қилди. 1970 йилнинг май ойида ЎзФА Зоология ва паразитология илмий, текшириш институтида шогирд-изланувчи, 1972 йилдан аспирант сифатида илмий-тадқиқот ишларини бошлади. У ўзининг илмий ишларини таниқли профессор, Бутун дунё соғлиқни сақлаш жамиятининг аъзоси Д.Н.Засухин раҳбарлигида олиб борди ва 1978 йилда “Ўзбекистон ҳайвонларининг саркоспоридийлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А.Гадоев 1979 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Фарғона филиалига ўқитувчи лавозимида ишга қабул қилиниб, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси фанидан рус ва ўзбек гуруҳларида дарс бера бошлади. 1982 йили доцентлик илмий унвонини олган А.Гадоев филиалдаги иш даврида кафедра мудири, институт касаб уюшмаси раиси муовини сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

У 1988 йилнинг август ойидан бошлаб ўзи ўқиган Фарғона давлат педагогика институтининг тиббиёт ўқитиш методикаси кафедрасига доцентлик лавозимида ишга қабул қилинди. 1993-1999 йиллари табиёт ўқитиш методикаси, 2006-2009 йиллари ботаника кафедраларининг мудири лавозимида хизмат қилди. Тиниб-тинчимас устоз ўқув, тарбиявий ва раҳбарлик фаолияти билан бирга профессор А.Қодиров

раҳбарлигида биология, табиатшунослик фанлари бўйича илмий-услубий ишларни ҳам самарали олиб борди, ҳозирга қадар 100 га яқин илмий мақола, услубий қўлланмалар муаллифидир.

Юртимизнинг энг жаннатмакон ўлкаларидан бири бўлган Сўх туманидан чиққан биринчи педагог олим А.Гадоев ўз касбининг фидойи устаси сифатида кўп йилдан буён мактаб ва олий ўқув юртларида биология, биология ўқитиш методикаси, табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси фанларидан самарали дарс бериб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг кўплаб собиқ ўқувчилари ҳозирги кунда республикаимизнинг олий ўқув юртларида, мактабларида, ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Шогирдларидан – Фарғона вилояти кардиология марказида 30 йилдан ортиқ бош ҳакимлик вазифасини бажариб келган М.Эгамов, “Овози тожик” газетасининг Фарғона водийси бўйича муҳбири К.Муҳиддинов, Тошкент педиатрия институтининг профессори Б.Одилов, Низомий номидаги педагогика университетининг доценти Х.Эназаров, Сўх тумани ҳокимининг муовини лавозимида ишлаган М.Аҳмаджоновлар ана шулар жумласидандир.

А.Гадоев моҳир педагог, ёшлар мураббийси бўлибгина қолмай, балки меҳрибон ота, оила бошлиғи ҳамдир. У 51 йилдан буён турмуш қуриб келаётган Нисохон опа билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб ўстирди, уларнинг 4 нафари олий маълумотли. Фарзандлари ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларида (педагог, шифокор, иқтисодчи) етук мутахассис ва раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Айни камолот ёшига етган ажойиб педагог, камтарин инсон А.Гадоев ҳозирда талабаларга билим бериш билан бирга битирув - малакавий ишларга, илмий семинар ва бошқа тарбиявий - маънавий ишларга бош-қош бўлиб келмоқда. Муҳтарам устозга соғлиқ, узоқ умр, илмий - ижодий ишларида ютуқлар тилаб, оилангиз, фарзандларингиз ва дўстларингиз қувончи қалбингизни асло тарк этмасин, доимо элда кадрли, ҳар ерда азиз бўлинг, деймиз.

М.Аҳмедов,

биология фанлари доктори, профессор.

В.Каримов,

биология фанлари номзоди, доцент.